# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243) Сешанба


**БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

**1-модда.** 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **78-модда биринчи қисмининг 15-банди** «шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **80-модданинг 6-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва» деган сўзлардан кейин:

«унинг ўринбосарларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **93-модда биринчи қисмининг**:

**8-бандидаги** «ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**12-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва» деган сўзлардан кейин:

«унинг ўринбосарларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**15-банди** «вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**16-банди** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **96-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**96-модда.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади»;

5) **98-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**98-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 18 апрель
№ ЎРҚ—284

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қайд этилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер хўжаликлари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узоқ муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий мувофиқ равишда тақдим этиладиган даъволар асосида суд орқали ҳал қилинади.

3. Белгилансинки, фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир даъво аризаларини қўзғатиш ва уларни судга ошириш учун фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини чуқур таҳлил этишда қуйидаги ҳолатларнинг аниқланиши асос бўлади:

ер майдонларини ижарага олиш шартномаси шартларини қўпол равишда бузиш, яъни, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик;

фермер хўжаликларини шакллантириш чоғида белгиланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини бузиш, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинларини экиш;

ижарага берилган қишлоқ хўжалик экинзорларидан норационал фойдаланиш, мунтазам (уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш;

фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини мунтазам (уч йил мобайнида) бажармаслик;

хўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юритиш, фермер хўжалигини банкрот деб эълон қилиш, жумладан, моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш масалаларини ҳал этишда амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур Фармоннинг қоидаларига қатъий амал қилсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда мансабдор шахслар томонидан суиистеъмол қилиш ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 18 апрель

## ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

### хорижлик сайёҳларни янада мафтун этмокда



***Ўзбекистон — қадимий ва навқирон, табиати бетакрор ва мафтункор, улкан иқтисодий-ижтимоий салоҳиятга эга мамлакат. Бу замин халқининг бағрикенглиги, тантилиги меҳмондўстлигига ҳар қанча таҳсин айтса, арзийди.***

Бундай юксак таърифу эътирофларни хорижлик сайёҳу меҳмонлардан деярли ҳар куни эшитамиз. Бу бежизга эмас, албатта. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши баробарида, бу борада қўлга киритилаётган ютуқларимиз янада кенг оммалаштиришга арзигуликдир.

Буни биргина сайёҳлик соҳасида эришилаётган муваффақиятлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Истиқлол йилларида ушбу соҳа юқори суръатларда тараққий топиб бормоқда. Ҳозирги кунда республикамизда 700 дан зиёд сайёҳлик ташкилоти, чунончи, 250 дан ортиқ меҳмонхона мижозлар учун бекаму кўст фаолият юритиб келаётгани фикримиз далилидир.

Куни кеча пойтахтимизда “Буюк Ипак йўли” реклама агентлиги ҳамда “Интерконтиненталь” меҳмонхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Workshop — 2011” Халқаро туризм форумининг

### Халқаро форум

очилиш маросимида сўзга чиққанлар шулар ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Эътиборли томони, ушбу тадбирда Ўзбекистон сайёҳлик индустриясида эришилаётган муваффақиятлар ва бунга асос бўлаётган хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг замонавий қиёфаси яна бир бор намойиш этилди, иштирокчилар хориж туризм компаниялари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам яқиндан таништирилди.

Унда Испания, Малайзия, Таиланд, БАА, Ҳиндистон, Польша каби давлатлар ҳамда юртимиздан 36 та сайёҳлик саноати вакиллари қатнашди. Улар 2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган ва йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётган форум давомида тўғридан-тўғри истиқболли шартномалар имзолаш, янги-янги ҳамкорлар топиш, ўзаро маркетинг алоқалари кўламини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити шароитида зарур ахборот олиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, диёримиздаги бири-биридан гўзал гўшалар ҳақидаги маълумотлар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, “Янгиобод — Шарқ жавоҳири”, “Қизилқум — минтақанинг янги СПАси (соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш маскани)” мавзулари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 3-бетда).

### Биз ва жаҳон

***Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тарқалишида Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ҳамда маданий алоқалар муҳим ўрин тутган.***

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Бугунги алоқалар ҳам ҳозирги замон руҳига мос ҳолда, изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги алоқаларимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. 2005 йили имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантиришда сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда, маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зотан, халқлар ўртасидаги дўстлик ўзаро яқинроқ танишишда, бир-бири ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишда алоҳида ўрин тутади. Бу яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни, халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга “Ўзбекистон — Хитой” дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1998 йилда тузилган ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси икки мамлакат аҳолисини Ўзбекистон ва Хитой тарихи, маданияти ва санъати, халқларимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари билан яқиндан таништиришдан иборат. Дўстлик жамияти мамлакатларимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 16 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда) **12-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда)

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади»;

2) **$4^{1}$-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «**д**» **банд** билан тўлдирилсин:

«д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинган Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда»;

3) **15-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги тақдимномани киритади»;

**еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

4) **20-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»**ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг 15-банди биринчи хатбошиси** «шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **9-модда биринчи қисмининг 6-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва» деган сўзлардан кейин:

«унинг ўринбосарларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда) **8-моддаси биринчи қисмининг 15-банди биринчи хатбошиси** «шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда) **22-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси мазкур тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Қонунчилик палатасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти барча фракциялар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан барча фракциялар билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Қонунчилик палатасини тарқатиб юборади.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **18-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан унинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун Сенат аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда Сенат томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Сенатни тарқатиб юборади.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади»;

2) **25-моддадаги** «ва унинг ўринбосарларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади»;

2) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «**д**» **банд** билан тўлдирилсин:

«д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинган Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда».

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 18 апрель
№ ЎРҚ—285

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 30 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **245-модданинг**:

**учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи**, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Қамоқда сақлаб туриш муддатига ушбу Кодекснинг 599-моддасига мувофиқ шахсни Ўзбекистон Республикасига ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга кўра унинг хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган вақти қўшиб ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи ёки бешинчи хатбошисида белгиланган қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати тугаган бўлса ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан суд ушбу Кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда, қамоқда сақлаб туришнинг қўшимча, лекин шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча сақлаш ҳибсхонасига ёхуд тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган пайтдан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатини белгилашга ҳақли.

Тергови тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи ёки бешинчи хатбошисида ёхуд тўртинчи қисмида назарда тутилган қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилган бўлиши лозим»;

**тўртинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **246-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, қамоқда сақлаб туриш муддатини бир ойгача узайтириш жиноят ишини қўшимча терговга қайтарган суд томонидан амалга оширилади, бу муддат иш прокурорга келиб тушган пайтдан бошлаб ҳисобланиб, прокурор жиноят ишини уч суткадан кечиктирмай терговчига юбориши шарт. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунига қадар қамоқда бўлган вақт ҳисобга олинган ҳолда ушбу Кодекс 245-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 18 апрель
№ ЎРҚ—287

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда илм-фан, маданият, маориф соҳаларини ривожлантириш ва спортни қўллаб-қувватлаш борасида етакчи ташкилотлардан бири — “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси 2005 йилда Пекин шаҳрида ўз ваколатхонасини очган. Ушбу жамғарманинг юртимиз миллий маданияти, қадрият ва анъаналари ҳамда бой тарихий мероси ва бетакрор санъатини Хитойда кенг тарғиб этишдаги ўрни беқиёс.

Самарқандда 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида хитойлик санъаткорлар мунтазам равишда иштирок этиб, қатор совринли ўринларни қўлга киритаётир. Шунингдек, бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки мамлакатда ҳам мунтазам турли кўргазмалар ўтказиб турилади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Конфуций номидаги Ўзбекистон — Хитой институти фаолият юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг жадал тараққиётига яққол мисол бўла олади. Пойтахтимизда 2005 йилда ташкил топган ушбу институт ўзбекистонлик ёшларга хитой тили ва маданиятидан сабоқ бериш баробарида, турли тадбирлар воситаси билан икки мамлакат ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишда икки томонлама алмашув ва ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, — дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Чжан Вэй. — Хитойга таълим олиш, саёҳат қилиш учун ташриф буюраётган Ўзбекистон фуқароларининг сони тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Хитойдан Ўзбекистонга бадиий ва илмий йўналишда фаолият юритувчи делегациялар вакиллари ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**




# «АЛОҚАБАНК» – ЯРМАРКАНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни янада кенг қўллаш, рақобатбардош ва сифатли инновация маҳсулотларининг ички ҳамда ташқи бозорларга чиқишини таъминлаш борасидаги имкониятларни оширишга хизмат қилмоқда.*

Шу йилнинг 13 — 15 апрель кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида навбатдаги шундай ярмарка бўлиб ўтди. Унинг якунларига кўра, очиқ акциядорлик тижорат “Алоқабанк”и Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ярмарканинг энг фаол иштирокчиси сифатида тақдирланди.

Туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда илм-фан ютуқлари, жумладан, инновациялардан фойдаланиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаш, уларни доимий қўллаб-қувватлашга очиқ акциядорлик тижорат “Алоқабанк” катта эътибор қаратмоқда. Эътиборлиси, “Алоқабанк” Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан апрель ойидан бошлаб иккита танлов эълон қилганини маълум қилди. Булар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ўртасида “Энг яхши инновацион лойиҳа”, олий ўқув юртлари талабалари ва коллеж ўқувчилари ўртасида “Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси” танловларидир. Ушбу ярмаркага ташриф буюрган

**Интилиш**

мингдан ортиқ талаба ва тадбиркорлар банкнинг стендига қўйилган буклетлар ва бошқа керакли маълумотларни олишди. Шунингдек, ўндан ортиқ талабалар шу ернинг ўзида қизиқарли лойиҳаларини тақдим этишди.

Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш, уларни доимий қўллаб-қувватлашни очиқ акциядорлик тижорат “Алоқабанк”и ўз олдида турган устувор вазифалардан бири деб билади. Истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу жиҳатига бундан кейин ҳам эътибор қаратган ҳолда фаолиятини давом эттираверади.

**ОАТ «Алоқабанк» матбуот хизмати.**

IPOTEKA BANK

***Мамлакатимизда банклар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш тармоғини молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролини кучайтириш масаласига иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш борасида амалий чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти. Бу каби банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг пул-кредит сиёсатидаги мавқеи мустаҳкамланиб бораётир.***




«Ипотека-банк»

# МИЖОЗЛАР МАНФААТИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Таъкидлаш керакки, юртимизда мулкдорлар ва тадбиркорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош, жаҳон андозалари талабларига мос маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли даромадларини муттасил кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлашда ҳам молия муассасаларининг хизмати катта бўлаётир. Буни “Ипотека-банк”нинг Фарғона вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган ибратли тадбирлар мисолида яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, юртдошларимизнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқариб, янги иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш банк филиали жамоаси фаолиятининг асосига айланган. Президентимизнинг мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган фармонлари ва қарорлари бунда дастуриламал бўлмоқда.

***Айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар, кичик бизнес вакилларига бизнес муҳити яратишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада мижозлар сафи тобора кенгайиб бораётир. Ҳозирги кунга келиб, филиал мижозлари сони 2436 тага етгани, шунинг 2013 тасини кичик бизнес субъектлари ташкил этгани бунинг тасдиғидир.***

Олтиариқ туманидаги “Юксалиш чорва саховати” фермер хўжалиги банкнинг доимий мижозларидан бири ҳисобланади. Фермер хўжалиги гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Хўжалик банкка ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш бўйича бизнес-лойиҳасини тақдим этгач, бу ташаббус банк томонидан пухта ўрганилиб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди: 36 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Ишлаб чиқаришга инвестиция киритилгач, тезда ижобий самара бера бошлади. Ўтган йилнинг ўзида 210 миллион сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилди. Шуниси эътиборга сазоворки, хом ашё – гўшт ва сут фермер хўжалигининг чорвачилик комплексида етиштирилаётгани, тайёр маҳсулотлар хўжаликнинг Олтиариқ туманидаги 5 та, Марғилон шаҳридаги 2 та савдо дўконлари орқали аҳолига етказиб берилаётгани туфайли унинг сифати юқори, нархи эса рақобатбардош бўлишига эришилаяпти. Шу боис харидорлар эндиликда “Юксалиш чорва саховати” тамғаси туширилган маҳсулотларни излайдиган бўлиб қолишди.

Умуман олганда, ўтган йили банк филиали томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан мижозларга, асосан, кичик бизнес субъектларига 7 миллиард 341 миллион сўмлик кредитлар берилди. Бу белгиланган режадагига нисбатан 1 миллиард 341 миллион сўмга кўп эканлиги билан алоҳида эътиборга моликдир. Яна бир муҳим жиҳати, бу маблағнинг 9,4 миллион сўми микрокредит сифатида кичик бизнес субъектларига бошланғич сармоя шаклида йўналтирилди.

Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш борасидаги лойиҳалар ҳам изчил молиялаштирилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва шу йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари бунда муҳим омил бўлаяпти. Ўтган йили мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан изчил ишлар олиб борилиб, ажратилган кредитларнинг салкам 3,1 қисми ушбу соҳаларга йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, экспортга йўналтирилган янги саноат маҳсулотлари тайёрлашни ўзлаштириш имконини бераяпти.

Ўзбекистон туманининг Шўрсув массивида олтингугурт кукуни ишлаб чиқариладиган корхона банкротга учраган эди. Унинг ўрнида “Шўрсув олтингугурт кимё” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилишида банкнинг молиявий кўмаги қўл келди. Гап шундаки, жамиятни бошланғич сармоя билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш ишларини банк ўз зиммасига олди. Бу мақсадлар учун корхонага 220 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Айтиш жоизки, кредит аниқ мақсадларга йўналтирилса, самараси кўзга тез ташланади. Буни жамиятга йўналтирилган

**Молия муассасаларида**




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

маблағ эвазига у бир йилдаёқ инқироз ботқоғидан чиқиб олиб, олинган қарздан 4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилгани мисолида кўриш мумкин. Натижада корхона номи хорижда ҳам танилиб, маҳсулот экспорти ҳажми кўпаймоқда. Бу ерда янги тармоқлар ишга туширилиши ҳисобидан эса 15 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Шунингдек, банк томонидан тадбиркор аёлларни, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Уларнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари бўйича 690 миллион сўмлик кредит ажратилиб, бу борадаги режа 228 фоизга бажарилгани бунинг исботидир.

Фарғона шаҳридаги “Эшонқулов Илҳом Биродар” хусусий корхонаси таъсисчилари анчадан бери тикувчилик цехи барпо этиш орзусида эди. Банк томонидан берилган 25 миллион сўмлик кредит боис уларнинг нияти рўёбга чиқди. Натижада ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, касб-ҳунар коллежини битирган 5 нафар ёш ишга қабул қилинди. Улар томонидан бир йил ичида 55 миллион сўмлик аёллар кийимлари тайёрланиб, тўлиқ сотилди. Бу корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб юқорилигидан далолат беради, албатта.

Шу ўринда хориждан замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар келтириш лойиҳалари ҳам қўллаб-қувватланаётганини таъкидлаш жоиз. Бир мисол, “Яйпан ишонч” хусусий корхонаси маиший тизимда кўп қўлланилаётган фитинг трубаларни ишлаб чиқариш бўйича бизнес лойиҳасини банкка тақдим этган эди. Бу лойиҳа кўриб чиқилгач, 397 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Ушбу маблағ эвазига хорижнинг илғор ускуналари келтирилиб, айни пайтда уларни монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

Учкўприк туманидаги консерва заводи маънавий жиҳатдан эскирган ускуналар билан иш юритиши оқибатида инқироз ёқасига келиб қолган эди. Банкнинг 100 фоиз улуши иштирокида унинг негизида “Valley Mountains Fresh” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, бу ердаги манзара тамомила ўзгарди. Ҳозирги кунда корхонада мева шарбатлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган аралашмалар, томат пасталари тайёрланаяпти.

Корхонани оёққа турғазиш учун банк томонидан 1,1 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилган бўлса, бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1 миллиард сўмдан ошиб кетди. Демак, йўналтирилган кредит қисқа муддатда ўзини оқлади. Энг муҳими, 60 га яқин ишчи яна ўз иш жойларига қайтдилар.

Маълумки, банк фаолиятининг асосий йўналиши турар-жойлар қурилишини молиялаштириш ҳисобланади. Филиал жамоаси бу борадаги ишларни жадал давом эттириб, кўплаб ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратди, уй-жойлар қурилишини молиялаштирди. Жумладан, банк сармояси ҳисобидан Қўқон шаҳрида 2 та 64 хонали, Фарғона шаҳрида эса 48 хонали кўп қаватли туражой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадларга 4,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Вилоятда хизматлар кўламини янада кенгайтириш, чекка ҳудудларда ҳам мижозларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш мақсадида филиалнинг янги бўлимлари, минибанклар тармоғи ривожлантирилаяпти. Яқинда Қўқон шаҳрида банкнинг энг замонавий технологик воситалар билан жиҳозланган, барча қулайликларга эга филиали қуриб битказилди.

Шу маънода, “Ипотека-банк”нинг Фарғона вилояти филиали сармоялари вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. Бу эса банк жамоасини янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга, эзгу лойиҳаларни рўёбга чиқаришда тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчига айланишга ундайди.

**Набижон СОБИРОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

**хорижлик сайёҳларни янада мафтун этмоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон — бетакрор ўлка экан, — дейди испаниялик сайёҳ Жозеф Калдес. — Пойтахтингизни томоша қилар эканмиз, бу кўркам ва навқирон шаҳар интернет орқали танишган маълумотларимиз, кўрган фотосуратларимиздан минг чандон чиройли эканлигига гувоҳ бўлдик. Тошкентда тарих ва бугунги кун уйғунлигидан ҳайратимиз ошди. Тўғриси, об-ҳаво илиқлиги, одамларингиз юз-кўзидаги кўтаринкилик, самимийликни самолёт трапидан тушишимиз биланоқ ҳис қилдик. Шундан бўлса керак, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. “Интерконтиненталь” меҳмонхонасига жойлашдик. Сервис ҳам рисоладагидек, жаҳон андозаларига мос. Айтганча, шу ерда “Workshop — 2011” ҳақида эшитиб қолдим. Келдим, иштирок этдим. Қўйилган экспонатларни мириқиб томоша қилдим. Юртингиз туризм салоҳияти ҳақида атрофлича хабардор бўлдим. Барселонага қайтгач, булар ҳақида, албатта, сўзлаб бераман. Ниятим Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабздаги кўҳна цивилизация дурдоналарини ҳам зиёрат қилишдир.

Қисқача айтганда, мазкур йирик форум мобайнида ҳар бир иштирокчи туризм мустақил иқтисодий тармоқ бўлиши баробарида, мамлакатнинг ижтимоий, маданий-маънавий салоҳиятини глобал миқёсда тарғиб қилиш воситаси эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН КУБОГИ СОВРИНДОРИ

***Грециянинг Каламата шаҳрида бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқич беллашувлари якунланди.***

**Хушхабар**

Дунёнинг энг кучли спортчилари иштирок этган нуфузли мусобақада навоийлик иқтидорли гимнастикачи Ульяна Трофимова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У тўпда машқ бажариш баҳсларида 27,500 балл жамғариб, учинчи ўринни эгаллади. Биринчи ва иккинчи ўринлар россиялик Дарья Дмитриева (28,150) ва Дарья Кондакова (28,250)га насиб этди.

Эслатиб ўтамиз, Ульяна Трофимова ўтган йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ташкиллаштирилган XVI ёзги Осиё ўйинларида Жамила Раҳматова ва Замира Санақулова билан биргаликда жамоавий беллашувларда кумуш медални қўлга киритган эди.

Айни пайтда ҳамюртимиз 2012 йили Лондон (Буюк Британия) шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнирларга тайёргарлик кўрмоқда.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

**Ибрат**

***Қўнғирот туманилик тадбиркор Сагатдин Давлетяров Хитойнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган корхона фаолиятини йўлга қўйди.***

# Янги технология шарофати

Бунинг учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланилди. 10 кишининг иш билан бандлиги таъминланган мазкур “Қорақалпоғистон байроғи” нон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада айни пайтда ойига 35 минг дона қолипли нон тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили Оролбўйида шу каби кичик корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида 20 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги**
**БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**
**очиқ тендер савдолари эълон қилади:**

**ТТ-2011-I.** Болалар спорт мажмуаларини жиҳозлаш учун спорт анжомлари ва ускуналарини етказиб бериш (жами 91 номда). Харид миллий валюта — сўмда амалга оширилади.
**ТТ-2011-II.** Ўзбекистон Республикаси болалар спорт иншоотлари учун сунъий қопламаларни етказиб бериш ва монтаж қилиш.

Харид хорижий валюта — АҚШ долларида амалга оширилади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлими белгиланган.

Анжом ва ускуналарни етказиб бериш шартлари ва муддати шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бўлинмасида рўйхатдан ўтган санадан бошлаб 90 кундан ошмаслиги лозим.

***Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2011 йил 16 май куни Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.***

Талабгорлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари бўйича қўшимча маълумотларни ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлимидан олишлари мумкин.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.**
**Тел./факс: (8-371) 239-47-69, 239-47-56.**

***Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг баҳоси — 400 000 сўм.***

Тендер таклифларини тақдим этган иштирокчи учун тендерда қатнашиш закалат суммаси харид баҳосининг 3 фоизини ташкил этади. Закалат суммаси ҳамда тендер ҳужжатлари учун тўлов буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендерда юқорида кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини ва дастурларини экспертизадан ўтказиш республика марказининг 2011 йил 11 апрелдаги 9-04/353-сонли ахборотига асосан харид қилинадиган товарларнинг энг юқори баҳоси тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

538R/492

САНИИРИ ИИЧБ жамоаси бош директор Ш. Х. Раҳимовга укаси
**Раҳимбой РАҲИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси мудири, доцент Авазбек Алимовга волидаи муҳтарамаси
**ТОЖИХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.**

**Ислом КАРИМОВ**

# ҲАЙРАТОМУЗ ТАШБЕҲЛАР

**Мир Алишер Навоий ижоди уммон қадар бепоён, уфқ янглиғ бесарҳаддир. Бундай улкан хазинани тушуниш учун Навоий бадииятини севишимиз, унинг ижодига айрича назар ва теран шуур ила қараш талаб этилади.**

**"Ўзбек халқи дунёга кўплаб буюк алломаларни етказиб берган. Буюклик замон ва макон тушунчаларини тан олмайди", дейишади. Ҳақ гап. Беш аср муқаддам ҳазрат Навоий қаламларидан қуйилган ушбу мисраларни мутолаа қилганда, ана шу ҳақиқатга бот-бот имон келтираман.**

***Сумбулин Лайли очибдир,***
***ел абир осо эмас.***
***Доғини Мажнун қонатмиш,***
***лолайи хумро эмас.***

Ғазалнинг илк мисралариёқ кишини хаёлот оламига чорлайди: баҳор чоғи. Турфа гуллар қулф урган чаман. Бу манзарани мингта шоир минг хил тасвирлаган бўлардилар. Лекин Ҳазрат Навоийнинг тасвири бўлакча. Чаманда гул исларини таратиб юрган майин ел худди Лайлининг сумбул сочларига ўхшайди. Лола ҳам шунчаки қип-қизил лола эмас, Мажнуннинг қалб жароҳатидан оққан қон.

***...Гулга ўхшатган учун***
***ёримни гўё, боғ аро,***
***Музтариб кўнгул қушидур,***
***булбули шайдо эмас.***

Мумтоз адабиётда гулни кўпроқ ёрга қиёслашади. Бироқ ошиқнинг кўнгил қуши бу ўхшатишдан уялиб, худди булбулдек бекиниб олган. Яъни ёр гулдан минг карра чиройлироқ. Кейинги мисраларда тасвирлар янада тиниқлашади.

***Сумбул устидин насим***
***эсгач нигорим туррасин***
***Ёд қилдимки, димоғ***
***ошуфтадур, савдо эмас.***

Яъни ушбу мисралар орқали насим сумбул устидан эсиб, унинг хушбўй ҳислари урилгач, ёримнинг рўмолини эсладим ва димоғим ошуфта бўлди, савдо қўзғалди, дейилмоқда.

Энди ушбу байтга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, сумбул Шарқ табобатида шифобахш гиёҳлардан саналади ва унинг ҳиди савдони ҳайдаш, яъни қон қуйқасини қўзғатиш хусусиятига эга. Байтдаги савдо ҳам икки хил маънода келаяпти. Биринчи маъноси, инсон вужудидаги хилт, иккинчиси — савдо, ишқ савдоси. Икки ўринда ҳам шеърнинг маъноси чиройли чиқади. Сумбул ҳидини таратган шаббода бадандаги савдони уйғотса, ёр сочи силаган турра — рўмол дилдаги савдоларни қўзғатади, ширин ҳисларни ёдга солади.

***Гулни сарв узра хаёл этдим***
***кўнгул гулзорида***
***Рост айтай, сарви гулруйим***
***каби зебо эмас.***

Гулни маъшуқанинг юзига, сарвни эса, унинг тик қадди-қоматига менгзайди. Демак, бу икки ўхшатишни бирлаштириш учун, атиргулни сарв дарахтининг тепа қисмида деб хаёл қилиш керак.

Огаҳийнинг мана бу машҳур байти ҳам ҳазрат Навоийнинг шу ғазалидан илҳомланиб ёзилган бўлса эҳтимол:

***Қилгил тамошо қомати***
***зебоси бирла оразин***
***Гар кўрмасанг гул бўлғанин***
***пайванд шамшод устина.***

Сиз ҳам тасаввур қилдингизми? Табиат мўъжизаси ила сарвнинг тепа қисмида бир жуфт атиргул очилиб турса...

Йўқ, шоирга бу ўхшатиш ёқмайди. Барибир гулюз, сарвқомат маъшуқанинг малоҳатига тенг келолмайди.

***Бўлмангиз мағрури ҳусн,***
***эй шўхларким, боғ аро***
***Сиз каби бултурги гуллардан***
***бири пайдо эмас.***

Мумтоз адабиётга ошно қалблар бу мисраларда ҳаётнинг давомийлиги, ёшлик ва гўзалликнинг ўткинчилиги ажойиб тарзда ифода этилганини англайдилар. Яъни эй, шўх санамлар, ҳуснингизга мағрур бўлаверманг, манави боғда бултур ҳам ҳозиргидек гўзал гуллар қулф урганди, энди уларнинг ўрнини янгилари эгаллаган, сиз ҳам худди шу гуллар сингари эртага бошқаларга ўрин бўшатиб берасиз, дейилмоқда.

Дарҳақиқат, қанчалик доно, нафис сўзлар.

***Менга гулгун соқию***
***булбулга гул тутмиш қадаҳ***
***Маст эрур ул ҳам Навоийдек***
***вале расво эмас.***

Боғ сайри ошиқни ҳам мислсиз завқ-шавққа солади. Гул булбулга, гулгун юзли ёр эса ошиққа қадаҳ тутади. Булбул ҳам сармаст нола чекади, лекин у Ошиқ, яъни Навоий каби маст бўлолмайди.

Ушбу ғазал ҳазрат Навоийнинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонидан олинган. Шоир уни йигитлик чоғида рақам қилгани учун ғазал бошдан охирига қадар боғ сайри, баҳор манзаралари, ёшлик завқи, ишқ сурури ҳақида баҳс юритади. Бундаги ўхшатишлар, гўзал ташбеҳлар эса ул зотнинг бетакрор сўз санъаткори эканлигига яна бир карра далилдир.

**Отабек ИСМОИЛОВ.**



*Шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким мумтоз адабиётимизнинг буюк намояндалари, жумладан, ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам ихлосмандларидан ҳамда зукко тадқиқотчиларидан бири эди. Ижодкор олимнинг бу мавзуда эълон қилинмаган мақолалари анчагина. Шулардан бирини газетхонларимизга илиндик.*

# ҲАЙБАТЛАНАЁТГАН ДИЙДОР

**ёки бир ғазал шарҳи**

***Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,***
***Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.***
***Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,***
***Ўн сакиз ёшинда бунча фитнаким бошиндадур.***
***Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,***
***Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.***
***Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,***
***Барчаси Эзид таоло сунъ наққошиндадур.***
***Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,***
***Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.***
***Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,***
***Булъажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.***
***То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,***
***Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.***

Маълумки, бизга "ўн саккиз минг олам"дан кичик бир қисми — Ер юзининг ўзимиз яшайдиган бўлагидаги ғам-ташвишу ғалаёнлар, жунбушларгина аён. Бироқ Алишер Навоий орзусидаги инсоннинг, мумтоз маҳбубанинг етуклиги шу даражадаки, унинг бошида нафақат мазкур "ўн сакиз минг олам ошуби" ҳақидаги тасаввур, балки ана шу ошуб, яъни ана шу ғалаён бор.

***Деса бўлғайким, яна ҳам***
***ўн сакиз йил ҳусни бор,***
***Ўн сакиз ёшинда бунча***
***фитнаким***
***бошиндадур.***

Байтдаги "фитна" сўзига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Бу сўз замирида "туртки" бор. Ҳайратга солувчи, дилни қўзғатадиган сеҳр мужассам. Маълумки, оламдаги барча жараёнлар "туртки"лардан ташкил топади ва шу туфайли борлиқ мулки ҳаракатга келиб туради. Демак, Алишер Навоий тавсифидаги гўзал фақатгина чексиз ҳусн соҳибаси эмас, балки борлиқни ҳаракатлантиргувчи қудратга ҳам эга бўлган бир мўъжизадир.

Ҳазрат Навоий лирик қаҳрамонига маҳбубаси тимсолидаги инсоний гўзаллик ва унинг яратувчиси қудрати ҳақидаги тафаккур изланишини аёвсиз бир шиддат билан давом қилгизади. Шоирга бу тенгсиз соҳибжамолнинг ўн саккиз йил ҳусни соҳибаси эканлиги ҳам камдек кўринади. Энди мезон ҳар лаҳзада тенгсиз ва чексиз гўзалликларни ўз ичига қамраб олган юз саксон йил қадар ҳайбатланади.

***Ўн сакиз йил дема,***
***юз саксон йил ўлса,***
***улдурур.***
***Ҳусн шоҳи, ул балоларким***
***кўзу қошиндадур.***

Шоир англатадики, ҳар йилнинг ўз ҳусни бор. Муайян йилнинг ҳусни ана шу йил мобайнида яралган жами гўзалликларнинг мажмуидан иборат. Бир йилда Аллоҳ таоло қанча-қанчалаб ҳуснларни бунёд этади? Буни аниқ айтишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам бу ерда у "йил ҳусни" деган мезонни қўллайди. Алишер Навоий "ҳусн ўлчами"га замон ва макон нуқтаи назаридан келиб чиқиб аниқлик киритади. Ва шу ҳуснга ҳайратдан туғилган "Ўн сакиз минг олам ошуби" Алишер Навоий ана шу ўлчамлардан "ҳусн шоҳи" деган атамани шакллантиради. Унинг фикрича, васф этилаётган соҳибжамол ўн саккиз йил ҳам эмас, юз саксон йил мобайнида яратилган илоҳий ҳуснларнинг мумтози, яъни "Шоҳи"дир. Мангуликнинг "ҳусн шоҳи", шоирнинг зимдан таъкидлашича — Аллоҳдир. Лекин у инсонларни ўзига монанд сифатлар билан зийнатлаб кўришни маъқул топади. Шоиримиз таърифлаётган илоҳий дийдор эса ана шундай олий лаҳзалардан яралган мўъжизадир. Бу дийдор айни бир вақтнинг ўзида шоир инсонлар олдига қўймоқчи бўлган ибрат намунасидир...

Маълумки, оламнинг ишлари ташқаридан қараганда ялтироқ. Унинг замирига нигоҳ ташласак, шоир илк байтда таъкидлаганидек, "ошубларга тўла". Шунинг учун ҳам бу дунёни "ёлғончи дунё" деб айтадилар. Алишер Навоий ўзи таърифлаётган гўзалнинг ҳуснини нақадар чексиз деб таъкид қилмасин, барибир у ҳам муайян маънода ўзи мансуб бўлган оламнинг тимсолидир. Яъни:

***Тан анга сийму ичинда***
***тош музмар кўнглидин,***
***Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг***
***ичу тошиндадур.***

Демак, унинг бадани кумушдан. Ақлни юз ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, мана шу кумуш баданнинг ичида тош юрак пинҳон қилингандир ва у кўриниб туради. Мана шу кўриниб туриш дунёнинг ёлғончиликка қарама-қарши қўйилган зоҳир ва ботинининг муштараклигидир.

***Май кетур, эй муғки,***
***юз ҳайрат аро қолмиш***
***Масиҳ,***
***Булъажабларким, бу эски***
***дайр хуффошиндадур.***

"Май" — эътиқод тимсоли. "Муғ" — майфуруш, инсоннинг ўз эътиқодига берилишида воситачи шахс. "Масиҳ" — Исо алайҳиссаломнинг лақаби. Исонинг муҳим фазилати шундан иборатки, у ўликларга жон кирита олар эди. "Бул ажаб" — ғалати, ҳайратланарли дегани. "Хуффош" эса — кўршапалак.

Маълумки, кўршапалаклар гумбазларнинг ичини ўзларига уй қилиб оладилар. Дунё ҳам, олам ҳам ўзига хос бир гумбаз. Бироқ бу гумбазнинг кўршапалаклари, фаришталари шу қадар мўъжизакор, ҳайратланарлики, бундай ҳайратланарли кўршапалаклар яратган мўъжизотларга ҳатто Исо Масиҳ ҳам ҳайрон қолади.

***То Навоий тўкти ул ой***
***фурқатидан баҳри ашк,***
***Ҳар қачон боқсанг қуёш***
***акси анинг ёшиндадур.***

Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони ўзи таърифлаган ойдан айрилиб, шундай кўз ёшлар тўкадики, мўъжизакорликда унинг ҳар қатра кўз ёши шу ойга тенглашади. Нега биз шундай демоқдамиз? Эътибор қилинг — қуёш нури ҳамиша ойда акс этади. Шоир бўлса, "Ҳар қачон боқсанг қуёш акси анинг ёшиндадур" демоқда. Ҳар қатрасида бир қуёш акс этган бу "кўз ёш денгизи", яъни буюк қайғу, шунчаки қайғумас. Балки борлиқни ўзида акс эттирадиган кўзгу ҳамдир. Бу ҳолни қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин: қуёшнинг акси ойда қандай зоҳир бўлса, ишқ туфайли табарруклашган ошиқ кўз ёши ойдан қуёшчалик афзал. Шу сабабдан ҳам офтоб унда акс этади. Шоирнинг бу охирги байтидан навбатдаги хулоса келиб чиқади: маъшуқа нақадар баркамол бўлмасин, ошиқ ўзи чеккан дардлари туфайли камолот даражасида унга баробарлашаверади. Муҳаббатнинг вазифаси ҳам ана шунда, яъни нуқсонли севгувчини мумтоз севилгувчи даражасига етказишдир.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ.**

# САХОВАТ, ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК

**фазилати улуғ шоир асарларида беқиёс тарзда улуғланади**

*"Мухтараъ" ва "ихтиро" сўзлари ўзбек мумтоз адабиёти намуналари орасида энг кўп Алишер Навоий асарларида ишлатилган. Бунинг боиси шундаки, даҳо шоиримиз форс адабиёти вакиллари ва ўз замондошлари ғазалларига юздан ортиқ татаббуълар — назиралар ёзган. Шеърлар Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Амир Хисрав Деҳлавий, Камол Хўжандий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Шоҳий Сабзаворий, Соҳиб Балхий, Амир Шайхим Суҳайлий, Котибий сингари шоирлар шеърларига гоҳ жавобия, гоҳ эргашиб, гоҳ ўшалар таври (услуби)да яратилгани уқтирилгану ўз услубидаги шеърларга "мухтараъ" ва "ихтиро" сўзларини қайд этган.*



"Мухтараъ" ва "ихтиро" сўзлари даҳо шоирнинг ўз услуби, баён тарзи, талқин мустақиллиги маъноларида қўлланилган. Бироқ Алишер Навоийнинг бошқа бир ихтироси — ўз улуғ кашфиёти бор. Уни англаш учун ушбу ғазални мутолаа қиламиз:

***Иззат тамаъ ким айласа, тарк этмайин тамаъ,***
***Ул хориққа мужиб эрур, Азза ман қанаъ.***

Яъни иззат-ҳурмат истаган киши тамагирликдан воз кечмаса, хор бўлади. Чунки "Азизлик — қаноатдадир", деган ҳадис бор.

***Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш анинг бари,***
***Сен бўйла хор тухмин экиб қилма гул тамаъ.***

Тамагирлик уруғининг ҳосили хорлик экан, сен бундай хорлик уруғини экиб, гул ундираман, деб умид қилма.

***Нафсинг ҳалокин истаю топсанг ани ҳалок,***
***Зинҳор мотам аҳли каби қилмағил жазаъ.***

Нафсингни ҳалок қилишни истагин. Бунга эришсанг, яъни нафсингни ўлдиролсанг, азадорлар каби унинг учун доду фарёд қилма.

***Невчунки, то тирикдурур ул золими лаин,***
***Кўнглинггадур ҳалокату жонингғадур важаъ.***

Чунки то нафс деган золим тирик экан, кўнглинг ҳалокатга мубтало, жонинг — алам-изтироб чекади.

***Руҳингға сиҳҳат ўлса малойик бўлур сипоҳ,***
***Нафсингға қувват ўлса шаётин бўлур табаъ.***

Руҳинг соғлом бўлса, фаришталар сенга лашкардир. Нафсинг бақувват бўлса, шайтонлар сенга хизматга келади.

***Тарк этма узру ажзға кўнгулни солса фисқ,***
***Қўйғил риёву ужбға гар бош чекар вараъ.***

Бузуқчилик кўнглингга ожизлик ва узрни солса ҳам, унга қулоқ солма.

***Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийга иқтидо —***
***Айлангки, бу тариқа анга келди мухтараъ.***

Эй давлатмандлар, камсуқумлик, камтарлик бобида Навоийга эргашинг. Чунки бу соҳа унинг ихтиросидир.

***Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,***
***Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен — бир тараф.***

Сиз агар тамагирликдан воз кеча олсангиз, бу — жуда улуғ ишдир: унда бутун олам аҳли бир томон бўладилар, сиз бир томон бўласиз...

Навоий ихтироси шу холосми? Йўқ, Навоийга эргашишнинг энг муҳим томони — Навоий саховатмандлигини давом эттиришдир. Биламизки, Навоий ўз мол-дунёсининг икки фоизини шахсий эҳтиёжларига сарфлади. Қолган тўқсон саккиз фоиз даромадини эл-улусга ишлатди. Қай йўсинда?

Аввало, ҳар йили 2000 юпун кишига уст-бош улашиш унга одат эди.

Иккинчидан, 50 дан ортиқ элга хизмат қиладиган бинолар, иншоотлар қурдирди: шифохона, масжид, мадраса, кўприк, ариқ-каналлар, банд-тўғонлар шулар жумласидандир.

Учинчидан, авомдан олимгача эҳсонлар қилди: маблағ билан, ҳовли-жойгача ҳадялар этди. Мақсад эл маъмурлиги, илм-фан, санъат ривожи, мамлакат-шаҳарлар кўркига ҳисса қўшиш эди.

Элга қилинган яхшиликдан-да улуғроқ савоб бўлмайди. Шунинг учун шоир инсонларни камтарликка, ҳаёлиликка, кечиримлиликка ва энг муҳими, тамагирликдан тийилиб, саховатга — элга моддий кўмак беришга чорлаган.

Бинобарин, биз, Навоий ворислари улуғ маънавий дарғамиз, комил инсон Алишер Навоий руҳи ҳурмати унинг айтганларига амал қилсак, беҳад эзгу иш бўлур эди...

**Ваҳоб РАҲМОНОВ.**

# Абадият гулшани




**Ҳар бир киши ўзининг улуғ ватандошлари ва уларнинг ибратли ишларини чуқур ва мукаммал билмоғи, улардан руҳий қувват олмоғи лозим. Диёримизда муборак ва табаррук номлари бутун дунёга машҳур бўлган буюк алломалар, улуғ олимлар, жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар яшаб ўтганлар.**

# МАЪНАВИЙ ҚУЁШ

Мана шундай улуғ алломалардан бири Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларидир.

Алишер Навоий ширинзабон, нозиктаъб лирик шоир, улуғ адиб, адолатли давлат арбоби ва шу билан бирга, юксак маънавий салоҳият соҳибидир.

Ҳазрат Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон тарих, адабиёт, маънавият, илоҳиёт ва тасаввуф таълимотининг йирик билимдони бўлганлиги учун ҳам барча адабий, тарихий, фалсафий, исломий асарларининг марказида комил инсон муаммоси, унинг ижтимоий меҳнат фаолияти, касб-кори, ахлоқи, жамиятдаги ўрни каби омиллар туради.



Ул зоти шариф бир мисраларида шундай ёзади:

***Каъбаки оламнинг***
***ўлиб қибласи***
***Қадри йўқ андоққи***
***кўнгил каъбаси***

Яъники, Каъба оламнинг қибласи, лекин унинг кўнгил каъбасичалик қадри йўқ. Ҳазрат Навоий ижодида ИНСОН ва ИНСОНИЙЛИК масаласи доимо бирламчидир. Ул зоти шариф кўнгил инсон учун бирламчи туради, ҳаттоки Каъбадан ҳам деб бу масалани ифодалайди.

Ҳазрат Навоий инсонларни ҳар томонлама комилликка ундайди. Комил инсон илм ва маърифат орқали ўзини таниган, илм ва маърифатнинг кучқудратига таянган кишидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳазрат Навоийнинг ўзлари ҳам ҳар томонлама комил инсон эдилар. Туруқбанд сув омборини, Халосия, Ихлосия каби иншоотлар, мадраса ва масжидлар, кўприклар қуришга катта аҳамият берди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ул зоти шарифнинг номларига қўйилмади, чунки бунга у кишининг ўзлари хоҳиш билдирмаганлар. Буни у кишининг

***Таъма этма,***
***кўп ўлса эл моли,***
***Кўрмайин Ҳақ хазинасин***
***холи,*** деган мисраларида кўриш мумкин.

Ҳазрат Навоий ўзбек шеъриятининг бемисл ёрқин, бетимсол маёғики, уни бугун бутун жаҳон ўрганмоқда, ул зоти шарифдан ҳануз руҳий-маънавий ибрат топмоқдалар. Мустақиллик туфайли ҳазрат Навоий шахсига, илмий ва ижодий меросига бўлган интилиш янада юксалди. Навоийни англаш ва ҳис қилиш мустақиллик насимлари туфайли тобора ортиб бормоқда. Жумладан, у кишининг ўзлари таъкидлаган ва орзу қилганларидек, "умидим улдур, ва хаёлимға андоқ келуркім, сўзум мартабаси авждин қуйи энмағай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай". Дарҳақиқат, Навоийнинг бу истаклари бугун мустақиллик туфайли ижобат бўлди. Улуғ мутафаккирнинг асарлари вақт ўтган сари юксак мақом ва мартаба касб этмоқда.

Мен бугун ана шундай улуғ аллома номи билан аталувчи вилоятда яшаб, унинг номидаги олий ўқув юртида таҳсил олаётганимдан фахрланаман. Изланиш ва интилишларим туфайли Президент стипендиати бўлдим. Илмий ва бадиий китобларим чоп этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эъзоз самарасидир.

**Ойбек АБДИМЎМИНОВ,**
**Навоий давлат педагогика институти аспиранти.**

# Эъзоз ва эътироф

*Бу қаламга фалакдин офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Хисрав ким бўлди?!*

***Абдураҳмон ЖОМИЙ***

Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур.

**Ҳусайн БОЙҚАРО**

Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқан эмас.

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

*Номанг манга*
*руҳдин нишон бўлди яна,*
*Осойиши жони нотавон бўлди яна,*
*Ҳар ҳарфи анинг*
*танимда жон бўлди яна,*
*Ҳар лафзи ҳаёти*
*жовидон бўлди яна.*

## Фардлар

***Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,***
***Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.***

***

***Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,***
***Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!***

***

***Чу чен ёр-у, жаҳон бир душманимдур,***
***Менинг учун жаҳон турғунча сен тур.***

***

***Ҳам мени ул тоза нахли нозпарвард ўлтурур,***
***Ҳам буким, йўқ дардини айтурға ҳамдард ўлтурур.***



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[т] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5